

**ПАХТАОБОД ТУМАНИ
ХОКИМЛИГИ**



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

туман хокими ўринбосари:

О.А.Расулов

» июнь 2022 й

Пахтаобод тумани хокимлиги балансидаги “Давлат хизматлари маркази” биносини кайта қуриш, реконструкция қилиш ишлари учун

ТЕХНИК ТОПШИРИК:

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумотлар
1	Буюртмачи номи:	Пахтаобод тумани хокимлиги
2	Буюртма максади:	Пахтаобод тумани хокимлиги балансидаги “Давлат хизматлари маркази” биносини кайта қуриш, реконструкция қилиш ишлари
3	Манзил:	Пахтаобод тумани Навруз МФЙ
4	Шартноманинг бошланғич нархи:	814 588 412,00 (Саккиз юз ўн тўрт миллион беш юз саксон саккиз минг тўрт юз ўн икки) сўм
5	Пудратчи:	Танлов асосида танлаб олинади
6	Курилиш ишлари учун асос:	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.09.2021 йил кунги № 5250-сон қарорига асосан OPEN BUDGET лойихасида ID 0360400053 бўйича 711 та овоз тўплаб голиб деб топилган
7	Курилиш тури:	Мукаммал таъмирлаш
8	Лойихалаштириш манбаи:	Бюджет
9	Жойнинг тавсифи:	Текислик
10	Курилиш ишларининг бошланиши	Танловда пудратчи ташкилот аниқланиб, шартнома имзоланган қундан бошлаб
11	Курилиш ишларини яқунлаш муддати	2022 йил шартнома имзоланган қундан бошлаб 90 дан кўп бўлмаган
12	Иш (хизмат)лар учун бошланғич маълумотлар:	Белгиланган тартибда смета асосида сифатли хамда тез муддатда

13	Техник жараёнлар, жихоз ва усуналарга талаблар	Пудратчининг мавжуд техник кувватига караб аникланади
14	Иштирокчилар учун талаблар:	<ul style="list-style-type: none"> -Камида 3 йил иш тажрибасига эга бўлиши, -Малакали ходимларнинг мавжудлиги, -Зарур техникалар балансда мавжудлиги, -Ушбу қурилиш ишларига белгиланган тартибда тоифага эга бўлиши, -Танлов ўтказиладиган кун холатига мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги, -Инсофиз етказиб берувчилар реестирида мавжуд эмаслиги, -Танлов ўтказиладиган давр ичидаги талаб этиладиган хужжатларни тасдиқланган холда тақдим этишлари шарт. Акс холда берилган таклиф қабул қилинмайди
15	Стандартларга риоя килиш талаблари:	Давлат стандартлари асосида
16	Ишни топшириш-қабул қилиш тартиби	Бинони қабул қилиб олишда давлат стандарти талабларига биноан қабул қилинади, сметалардаги амалдаги нархларга нисбатан хисоблаб чикилиши лозим. Форма-3 нусхада ва амалдаги стандартлар бўйича расмийлаштирилган бўлиши керак.
17	Хисоб-китоб қилиш	Шартнома имзоланиб, худудий Фазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 5 иш кунида олдиндан 30 фоиз тўлов амалга оширилади. Қолган тўлов иш тўлиқ бажарилгандан сўнг Форма-3 га асосан ўтказилади

Пахтаобод тумани
хокимлиги бош хисобчисии:

А.Билолиддинов

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Пахтаобод тумани хокими ўринбосари,
харид комиссияси раиси:

(имзоланган) О.А.Расулов

“ 04 ” январь 2022 йил

Пахтаобод тумани хокимлигининг Энг яхши таклифларни танлаш Электрон тизими орқали (базавий хисоблаш миқдорининг олти минг баробаригача бўлган миқдордаги) товар, иш, хизматлар учун пудратчи ташкилотни аниқлаш бўйича

ХАРИД КОМИССИЯСИННИГ ИШ ТАРТИБИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси (бундан бўён харид комиссияси деб юритилади) нинг иш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонун талаблари асосида ишлаб чиқилган. Харид комиссиясининг энг яхши таклифларни танлаш ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида олиб борадиган иш тартибини белгилайди.

1.2. Харид комиссияси вақтинчалик коллегиал орган хисобланиб, давлат буюртмачисининг ходимлари орасидан камида беш нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссияси тузилади. Энг яхши таклифни танлашда харид комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлиши лозим. Харид комиссияси танлов ўтказиш жараёнида пайдо бўлган низолар ва турли хил келишмовчиликларни кўриб чиқишига ваколатлидир.

1.3. Харид комиссияси танлов ўтказиш жараёнида уларнинг фаолиятига ташқи таъсирлар аралашувига йўл қўйилмайди.

II. ХАРИД КОМИССИЯСИННИГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Харид комиссиясини дастлабки йиғилиши энг яхши таклифларни танлаш учун ишлаб чиқилган хужжатларни электрон тизимига жойлаштириш жараёнида ўтказилида ва тасдиқланади.

2.2. Энг яхши таклифларни танлаш жараёнида қатнашчиларнинг малакасини олдиндан аниқлаш, таклифни жойлаш шартлари, талаблар, таклифларнинг техник ва молиявий баҳолаш мезонларини, иштирокчилар учун қўйилган талабларни, таклифларни кўриб чиқиши мудатларини белгилаб беради. Бунда маҳсус ахборот порталида эълон берилган кундан бошлаб 5 иш қунидан кам бўлмаслиги шарт.

2.3. Техник ва молиявий баҳолаш мезонлари, иш тури, таклиф қилинган нархлар ва бажариш муддатларидан келиб чиқиб хар бир объект бўйича алоҳида кўриб чиқади ва тасдиқлади.

2.4. Харид комиссияси танлов қатнашчисига устунлик берувчи баҳолаш мезонларни белгилашга ҳақли эмаслар.

2.5. Харид комиссияси иштирокчи хужжатларини кўрсатилган мезонларга мувофиқ қонунийлигини текширади. Зарур холларда мустақил экспертларни жалб килиши мумкин.

2.6. Харид комиссияси ҳар бир объект бўйича комиссия раиси хамда барча комиссия аъзолари томонидан шахсий электрон рақамли имзо орқали тасдиқланадиган баённомалар юритади.

III. МАЛАКАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ, ТАРКИБИЙ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА БАХОЛАШ

3.1. Барча таклифлар харид комиссияси томонидан тасдиқланган талаблари ва малакавий ҳужжатлар, уларнинг кўриниши бюртмачи томонидан тасдиқланган энг яхши таклифларни танлаш шартларига мос келиши керак.

3.2. Агар ҳужжатлар мавжуд бўлмаса ёки нотўғри расийлаштирилган тақдирда энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари молиявий таклифларини инобатга олмайди.

3.3. Малакавий ҳужжатларни тасдиқланган мезонлар асосида ўрганиб чиқади ва баҳолайди. Харид комиссияси иштирокчиларнинг техник қуввати, кўп йиллик фаолияти, малакали ишчи ходимларнинг мавжудлиги, молиявий натижалари ва бошқа тарафларини биринчи навбатда ўрганиб чиқади ва зарур бўлган холларда мутақил экспертларни таклиф этишлари мумкин.

3.4. Харид комиссияси ёки мустақил экспертларга малакавий ҳужжатлар таркибини ўрганиш бўйича аниқ муддатлар белгиланиб, таклиф киритиш ҳақида топшириқлар берилади. Малакавий ҳужжатлар таклифини ўрганиб бўлгандан сўнг эхнг яхши таклифларни таънлаш комиссияси овоз бериш йўли билан қарор қабул қиласи.

3.5. Агар қатнашчининг таклифи кейинги босқичларга ўтиши учун техник баҳолаш натижалари бўйича комиссия аъзоларининг учдан икки қисми овози мақулланса харид комиссиясининг қарори ижобий деб хисобланади.

3.6. Харид комиссиясининг овозга кўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар маҳфий ҳисобланади ва ошкор этилишига йўл қўйилмайди. Харид комиссияси танлов тугаган кундан бошлаб, икки иш куни мобайнида мухокамалар учун кўяди.

3.7. Хар бир таклифнинг кейинга босқичларга ўтиши учун энг яхши таклифларни таънлаш иштирокчиси белгилangan минимал балл ва ундан юқори балл тўплаш керақ, ғолибни аниқлашда ёки комиссия аъзоларини бошқа хулоса ва қарорлари “Розиман” ёки “Норозиман” овоз бериш услуги орқали амалга оширилади.

Харид комиссияси котиби: ([имзоланган](#)) З.Позилов